

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**5231300-Бюджет назорати ва газначилиги бакалавриат таълим  
йўналишининг малака талаблари**

Тошкент - 2020



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти;

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамсига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи. ....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси. ....	4
1.1.1.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши. ....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари. ....	4
1.2.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи. ....	4
1.2.1.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари. ....	4
1.2.2.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари. ....	4
1.2.3.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари. ....	5
1.2.4.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари. ....	5
2.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар. ....	6
2.1.	Умумий компетенциялар. ....	6
2.2.	Касбий компетенциялар. ....	7
2.3.	Касбий квалификациялар. ....	7
3.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар. ....	8
3.1.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар. ....	8
3.2.	<i>5231300-Бюджет назорати ва газначилиги</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми. ....	8
	Библиографик маълумотлар. ....	9

## **1. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Бу таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабага «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) - тегишли йўналиши бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади. Иқтисод таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишларининг битирувчилари магистратура мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг она-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

5231300-Бюджет назорати ва газначилиги – иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у бюджет назорати ва газначилиги механизмлари, уларнинг турлари ва амалга ошириш усуллари, бюджет тизими бюджетлари маблағларини назорат қилиш ва тартибга солиш усуллари, ғазна ижросини амалга ошириш механизмлари, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари, улардан фойдаланиш, шунингдек бюджет назорати ва газначилиги сиёсати билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- молия органлари;
- газначилик бўлинмалари;
- олий ва ўрта махсус таълим тизими ташкилотлари;
- халқ таълими тизими ташкилотлари;
- мактабгача таълим тизими ташкилотлари;
- соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари.

- қишлоқ хўжалиги тизими ташкилотлари;
- давлат бошқарув ва ижро этувчи органлари;
- давлат мақсадли жамгармаларини тақсимловчи органлар
- бюджет тизими бюджетларини ижро этишда ҳисобга олиндиған, пулда ифодаланган активлар ва мажбуриятлар.

**1.2.3. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);

**1.2.4. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

– давлат молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

– давлат бюджети ва давлат мақсадли жамгармалари бюджетларининг газна ижросини амалга ошириш;

– давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

– бюджет маблағларини сарфланишини оптималлаштириш мониторингини амалга ошириш;

– бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларни смета харажатлари касса ижросини амалга ошириш.

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

– бюджетнинг газна ижросига оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

– давлат бюджети, давлат мақсадли жамгармалари бюджети касса ижросига оид маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– бюджет тизими бюджетлари ижросини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;

– бюджет ҳисоби ва назоратини юритиш;

– бюджет тизими бюджетлари ижроси бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;

– ҳисоб ва таҳлилни юритиш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– давлат бюджети ижроси ҳисобини юритиш;

– бюджет ташкилотларида харажатларни режалаштириш;

– бюджет ташкилотларида бухгалтерия хизмати ишини режалаштириш ва татбиқ қилиш;

– бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш ишларини режалаштириш ҳамда ўтказиш;

– бюджет назоратини режалаштириш ва ўтказиш;

– бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш ва назорат қилиш тизими талабларига мослигини таҳлил қилиш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

– интернет тармогида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш.

#### **Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан назарий- амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этишга кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок қилиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик таъминотни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий ёндашув асосида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасида ўз салоҳиятини узлуксиз равишда ошириб бориш.

## **2. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

– давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

– ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

– математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганишни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

– молия органлари, газначилик ва бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш

ишларини ташкил этиш;

- бюджет тизими бюджетларида бюджет ҳисобини ташкил этиш ва назоратни амалга ошириш;

- газначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш орқали бюджет ижросини назорат қилиш;

- газначилик ахборот тизими ва бошқа ташқи ахборот тизимлари билан ахборот алоқасининг технологиясини яратиш тамойиллари билиши;

- газначилик тизимида нархларни тўғри шакллантирилганлиги устидан назоратни амалга ошириш;

- давлат ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетларини тузиш ҳамда уларнинг ижроси ҳисобини юритиш ва назоратини амалга ошириш;

- давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш ва газна ижросини назорат қилиш;

- бюджет ташкилотларида сметалар ва штатлар жадвалини тузиш ҳамда уларнинг ижроси ҳисобини юритиш ва назоратини амалга ошириш;

- газначиликда бюджет ташкилотлари харажат сметаларини ва уларга киритиладиган ўзгаришларни рўйхатга олиш ва назорат қилиш;

- бюджет ташкилотларида ҳисоб объектлари ҳисобини юритиш ва уларнинг назоратини таъминлаш;

- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича газна ижросини ташкил этиш;

- бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни тузиш ва уларнинг ахборотларини таҳлил қилиш;

- бюджет тизими бюджетлари ижроси ҳисоби ва назоратини ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиши лозим.

- талаба давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси ҳисобини ташкил этиши ва юритиши;

- давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлар ва харажатлар газна ижроси ҳисобини юритиш ва назоратини таъминлаш;

- бюджет ташкилотларида назорат ва тафтиш натижаларини умумлаштириш ҳамда расмийлаштириш;

- бюджет ташкилотларида бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш таъминлаш учун уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини йўлга қўйиш;

- бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланишида уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини амалга ошириш;

- молия органларида бюджет ташкилотлари молия хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар таҳлили бўйича ишларни ташкил этилганлигини текшириш кўникмаларига эга бўлиш;

- бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни тузиш ва уларнинг ишончилигини таъминлаш;

- бюджет ҳисобининг асосий принциплари ва бюджет ҳисоби стандартлари, усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

### **2.3. Касбий квалификациялар:**

- молия органлари назорат-тафтишчиси, газначиликда молиявий ҳамда юридик мажбуриятлар билан ишлаш бўйича мутахассис, газначилик фаолияти назорат-таҳлилчиси, молия органлари иқтисодчиси, бюджет ташкилотлари бухгалтери, бюджет ташкилотлари иқтисодчиси, режа-молия бўлими мутахассиси, бюджет ташкилотларида ички аудитор квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

### **3. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **3.1. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашни таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлари”, машгулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

#### **3.2. 5231300-Бюджет назорати ва газначилиги бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машгулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

<b>Ўқув даврлари</b>	<b>Кундузги таълим шакли учун*</b>	<b>Кечки таълим шакли учун*</b>	<b>Сиртки шакли таълим учун*</b>
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

Бюджет назорати, давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, трансферт, ссуда, бюджет ҳисоби, баланс, бюджет ҳолати, ҳужжатлаштириш, бюджет ғазна ижроси, ғазначилик, давлат бюджети даромадлари, давлат бюджети харажатлари, бюджет ҳолати, инвентаризация, иқтисодий таҳлил, молиявий ҳолат, аудит, ички назорат, бюджет ташкилоти, смета харажатлари, штатлар жадвали, молиявий активлар, номолиявий активлар, дебиторлар, кредиторлар, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, бюджет таснифи, молиявий мажбурият, юридик мажбурият, бюджет назорати, назорат ва тафтиш, назорат органлари, умумий фискал баланс, республика бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат молиявий назорати, молиявий назорат объектлари, айланма касса маблағи, бюджет жараёни, давлат бюджети тақчиллиги, шахсий ғазна ҳисобварақлари, ғазначилик мемориал ордери, ҳудудий молия органлари, Бюджет маблағлари олувчи, бюджет тизими принциплари, бюджет тизими.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**



Тошкент молия институти

Ректор в.в.б. С.У.Меҳмонов

2020 йил «23» 07

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни таъбиқ этиш маркази

Директор З.Хақимов



2020 йил «  »   

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ  
тадқиқотлари институти

Директорнинг биричи  
ўринбосари Д.Пулатов



2020 йил «  »   

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги



Бошқарма  
бошлиғи Ж.Шокиров

2020 йил «  »   

М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети



Ректор Б.Шаринов

2020 йил «  »   

М.Ў.

Тошкент шаҳар ғазначилик  
бошқармаси




Бошқарма  
бошлиғи М.Заринов

2020 йил «  »   

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ  
хўжалиги вазирлиги



Бошқарма бошлиғи  
ўринбосари Ш.Жониқулов

2020 йил «  »   

М.Ў.

Тошкент молия институтининг 5231300-“Бюджет назорати ва газначилиги”  
бакалаврият таълим йўналишини малака талабини ишлаб чиқувчилар ва  
кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2020 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Ж.Шокиров, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Б.Раджобов, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти директорининг биринчи ўринбосари Д.Пулатов, Тошкент шаҳар ғазначилик Бошқарма бошлиғи М.Зарипов ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори А.Туйчиев, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. 5231300-“Бюджет назорати ва газначилиги” бакалаврият таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти, Тошкент шаҳар ғазначилик бошқармаси ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти, Тошкент шаҳар ғазначилик бошқармаси мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5231300-“Бюджет назорати ва газначилиги” бакалаврият таълим йўналиши малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент шаҳар ғазначилик бошқармаси

мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукамаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги  
Бошқарма бошлиғи



Ж.Шокиров

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Бошқарма бошлиғи ўринбосари



Ш.Жониқулов

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ҳузуридаги  
Бюджет-солиқ таъсиротлари  
институтининг  
биринчи ўринбосари



Д.Пулатов

Тошкент шаҳар ҳазначилик  
Бошқарма бошлиғи



М.Зарипов

Тошкент молия институтининг  
ўқув ишлари бўйича проректори



А.Туйчиев

Тошкент молия институтига тайёрланаётган

5231300 – Бюджет назорати ва таълим йўналиши учун

янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг битирувчилар касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

Г/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)	
	шифри	номи
	5231300	Бюджет назорати ва таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)
		<p><b>Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</b></p> <p><b>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бюджет назорати ва таълим йўналиши соҳасида фаолиятни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;</li> <li>- бюджет назорати ва таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;</li> <li>- бюджет назорати ва таълим йўналиши соҳасида тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;</li> <li>- бюджетнинг таълим йўналиши ва назорати оид ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;</li> <li>- интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўллайди ва таҳлил қилиш;</li> <li>- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш;</li> <li>- бюджет назорати ва таълим йўналиши соҳаси фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;</li> <li>- бюджет назорати ва таълим йўналиши соҳасида жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган стратегияларни режалаштириш;</li> <li>- бюджет назорати ва таълим йўналиши замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш;</li> <li>- давлат харидини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талаблари асосида электрон савдоларда ва электрон каталогларда иштирок этилганлигини назорат қила олиш;</li> <li>- бюджет тизими бюджетлари ижроси бўйича назоратни ташкил этиш;</li> <li>- бюджет таълим йўналиши соҳасининг халқаро ҳамда миллий молиғини мониторинг қилиш;</li> <li>- бюджет назорати ва таълим йўналиши соҳаси фаолиятини режалаштириш ва унинг самардорлигини оширишнинг ички имкониятларини кидириб топиш;</li> </ul>

- бюджет назорати ва газначилигисоҳаси фаолиятини бошқаришнинг замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаш, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш;
- бюджет назорати ва газначилигисоҳаси фаолиятини ташкил қилиш ва назорат текширувларини ўтказишда замонавий методларни қўллаш;
- бюджет назорати ва газначилиги соҳасида ҳужжатларни расмийлаштириш ва умумлаштиришда замонавий методларни қўллаш;
- бюджет назорати ва газначилигисоҳаси фаолиятини таҳлил қилиш;
- бюджет тизими бюджетларнинг газна ижросига оид ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш;
- бюджет назорати ва газначилиги соҳаси бўйича илмий-тадқиқотларни ўтказиш, янги илмий ва амалий натижаларни олиш.

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланаётган ҳар бир бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.

2. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори билан тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Халқ таълими вазирлиги**  
**Бошқарма бошлиғи**

**Ж.Шокиров**



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**  
**Бошқарма бошлиғи ўринбосари**

**Ш.Жоникулов**



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирлиги ҳузуридаги**  
**Бюджет-солиқ тадқиқотлари**  
**институтининг**  
**биринчи ўринбосари**

**Д.Пулатов**



**Тошкент шаҳар газначилик**  
**бошқарма бошлиғи**

**М.Зарипов**

**5231300-“Бюджет назорати ва газначилиги” бакалаврият таълим  
йўналишининг малака талаби ишлаб чиқилишига**

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

*5231300-“Бюджет назорати ва газначилиги” бакалаврият таълим йўналиши* малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимида ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкчасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди

5231300-“*Бюджет назорати ва газначилиги*” бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жaxon тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

Тошкент молия институти  
“Бюджет ҳисоби ва газначилик иши”  
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.



И.Н.Кўзиев

5231300 – Бюджет назорати ва газначилиги таълим йўналиши бўйича

бакалаврият давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги

бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш

**БАКАЛАВРИАТДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ УМУМИЙ**

**КЎРСАТКИЧЛАРИ**

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Буюк Британия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)
1.	Бошланиши	3 йиллик касб-хунар коллежи ёки академик лицейдан сўнг	3 йиллик коллеж ёки 2 йиллик махсус мактаблардан сўнг	3 йиллик коллеж ёки 2 йиллик махсус мактаблардан сўнг
2.	Давомийлиги	4 йил, ўқув режага мувофиқ.	3 йил, 6 семестр.	3 йил, 6 семестр.
3.	Таълим олувчилар сони	Талабга мувофиқ	233 та	216 та
4.	Ўтиш жойлари	Тошкент молия институти	University of Birmingham	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia
5.	Таълим берувчилар	Мос мутахассислик бўйича профессор-ўқитувчилар ва магистр даражасига эга бўлган мутахассислар (шунингдек, ишлаб чиқаришдан малакали мутахассислар ҳам тақлиф этилиши мумкин)	University of Birmingham профессор-ўқитувчилари.	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia профессор-ўқитувчилари.
6.	Таълим жараёни кузатиш ва назорат қилиш	Тегишли факультет декани ва декан муовинлари, тегишли кафедра мудири.	Money, Banking and Finance BSc мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудири.	BSc in Banking мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудири.
7.	Диплом	Тошкент молия институти бакалавр дипломи.	University of Birmingham бакалавр дипломи.	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia дипломи.

## БАКАЛАВРИАТДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИ

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Буюк Британия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)
1.	Назарий дарслар	Ўқув режада белгиланган соатлар ва намунавий ўқув дастуридаги мавзулар бўйича ўтказилади	Тегишли фан доирасида ўқитувчи томонидан мустақил ишлаб чиқилган мавзулар доирасида ўтилади ва талабада ўзи хоҳлаган профессор-ўқитувчиси дарсини тинглаш имкони мавжуд.	Таълим жараёнида мажбурий фақат ислом банклари ва ислом молиялаш тизимини ўрганишга қаратилган, назарий дарслар эркин мулоқот ёки ихтиёрий маъқул келган услубларда ўтилади.
2.	Амалий дарслар	Ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар бўйича	Амалий дарслар олдиндан талабалар ва профессор-ўқитувчилар томонидан келишилган мавзуларда кичик-кичик гуруҳларда талабалар ўзлари ёқтирган услубларда ўтилиши мумкин.	Амалий дарслар ислом молиялаш тизимига доир ихтиёрий мавзуларда талабаларнинг ўзлаштириш имкониятларини инобатга олган ҳолда турли кўринишларда ва табиатда ҳам ташкил этилиши мумкин.
3.	Амалиёт	3 босқичда танишув, ишлаб чиқариш ва битирув олди малакавий амалиёт тарзида талаба томонидан танланган тижорат банкларида ўталади.	2 босқичда умумий фаолиятни ўрганиш ва битирув олди малака иши бўйича махсус амалиёт.	2 босқичда қисқа муддатли иш ўрганувчи ва битирув олди мутахассислик амалиёти.
4.	Мустақил таълим	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, фанларни ўзлаштириш бўйича билимларини баҳолаш бакалаврият рейтинг тизими асосида жорий, оралик, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намоён этиш кўринишида талаб қилинади.	Кредитларни топшириш асносида етарли баҳолар олиб борилади ва якунда компьютер ҳамда оғзаки равишда тест ёки саволларга жавоб берилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтиҳон олишмайди.	Таълим жараёни бевосита оғзаки, ёзма ва компьютерда ўтказиладиган аралаш турдаги саволлар кўринишида олиб борилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтиҳон олишмайди.

## БАКАЛАВРИАТДА ЎҚИТИЛАДИГАН ФАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Тошкент молия институти 5230700-Банк иши бакалавриат таълим йўналиши	Муддати (соатда)	Буюк Британия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Муддати (credit – аудитория соатлари)	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)	Муддати (ўқув йилида режага мувофиқ)
Гуманитар ва табиий- илмий фанлар	1620	Principles of Economics A	10 credits	Quantitative and Statistical Methods	1 ўқув йили давомида
Ўзбекистон тарихи	78	Principles of Economics B	10 credits	Introduction to Management	1 ўқув йили давомида
Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси.		Applied Economics and IT Skills A	10 credits	Business and Communications Skills	1 ўқув йили давомида
Фукаролик жамияти	78	Applied Economics and IT Skills B	10 credits	Financial Accounting 1	1 ўқув йили давомида
Фалсафа	128	Financial and Business Systems	10 credits	Business Economics	1 ўқув йили давомида
Диншунослик	64	Introduction to Finance	10 credits	Introduction to Banking & Finance	1 ўқув йили давомида
Ўзбек (рус) тили	150	Management Accounting	10 credits	Financial Accounting 2	1 ўқув йили давомида
Хорижий тил	356	Principles of Financial Accounting	10 credits	Accounting for Bankers	1 ўқув йили давомида
Жисмоний тарбия ва спорт*	128	Advanced Quantitative Economic Methods A	10 credits	Business Law	1 ўқув йили давомида
Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	174	Advanced Quantitative Economic Methods B	10 credits	Marketing	1 ўқув йили давомида
Иқтисодчилар учун математика	406	European Economic Issues	10 credits	Financial Statement Analysis	2 ўқув йили давомида
<i>Танлов фанлари</i>	58	Introductory Econometrics A	10 credits	The Financial System	2 ўқув йили давомида
<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>2592</b>	Introductory Econometrics B	10 credits	Banking Instruments & Procedures	2 ўқув йили давомида
Касбий психология	100	Macroeconomics A	10 credits	Time Series and Forecasting	2 ўқув йили давомида
Иқтисодиёт назарияси	332	Macroeconomics B	10 credits	Management of Financial Services	2 ўқув йили давомида
Статистика	236	Microeconomics A	10 credits	Integrated Business processes with SAP ERP System	2 ўқув йили давомида
Эконометрика	118	The Economics of Corporate Finance	10 credits	Financial Econometrics	2 ўқув йили давомида
Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	264	Corporate Financial Management	10 credits	Business Research Methods	2 ўқув йили давомида

Менежмент	236	Regulatory Framework of Banking	10 credits	Financial Management	2 ўқув йили давомида
Молиявий ва бошқарув ҳисоби	236	Statistics for Economists	10 credits	Law of Banking & Finance	2 ўқув йили давомида
Молиявий таҳлил	218	Economics Extended Essay A	10 credits	Treasury Management	2 ўқув йили давомида
Аудит	236	Economics Extended Essay B	10 credits	Credit Management	2 ўқув йили давомида
Суғурта иши	218	Advanced Finance	10 credits	International Bank Officer	2 ўқув йили давомида
Солиқлар ва солиққа тортиш	218	Economics of Banking	10 credits	Risk Management in Banking	3 ўқув йили давомида
Иқтисодий хавфсизлик	90	Monetary Policy	10 credits	Financial Derivatives	3 ўқув йили давомида
Танлов фанлари	90	Applied Economics of the European Community A	10 credits	Corporate Finance	3 ўқув йили давомида
<b>Ихтисослик фанлари</b>	<b>1944</b>	Business Law A	10 credits	International Banking & Investment	3 ўқув йили давомида
Халқаро валюта-кредит муносабатлари	808	History of Economic Thought A	10 credits	Investigations in Banking & Finance	3 ўқув йили давомида
Банк иши	186	Behavioural and Experimental Economics	10 credits	Building Customers Relationships	3 ўқув йили давомида
Банкларда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит	264	Economics of Financial Markets	10 credits	Portfolio Management	3 ўқув йили давомида
Молия	218	Advanced Management Accounting	10 credits	Banking and Finance Project	3 ўқув йили давомида
Инвестиция ва инновациялар	218	Advanced Financial Accounting	10 credits	Control & Audit System	3 ўқув йили давомида
Молия бозори ва молиявий технологиялар	148	<b>Жами:</b>	<b>320 credits</b>	Corporate Restructuring	3 ўқув йили давомида
Танлов фанлари	102			Global Finance	3 ўқув йили давомида
<b>Қўшимча фанлар Жами</b>	<b>324</b>			<b>Жами:</b>	<b>34 та фан</b>

“Бюджет ҳисоби ва қарбдорлик иши” кафедраси мудири



и.ф.д., проф. И.Н.Қўзиев